

## **ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**Темиров Фарход Сайдирахмонович**

Шароф Рашидов Номидаги Самарқанд давлат Университетети  
махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақола замонавий жамият шароитида фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳуқуқий ҳимоя қилишининг муҳим жиҳатларини кўриб чиқади. Муаллифлар томонидан фуқароларнинг ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли қонунчилик нормалари апрофлича таҳлил қилинган, шунингдек, шахслар ва ишбилармонлик обрўсини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий механизмларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган. Мақолада, шунингдек, онлайн алоқа соҳаси ва ижтимоий тармоқларнинг шахс ёки корхона ташқи кўринишига таъсири ҳақида сўз боради. Фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари муҳокама қилиниб, бундай вазиятларда муваффақиятли қабул қилинган суд қарорлари мисоллари келтирилади. Ушбу мақола ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини сақлаб қолиш контекстида ҳуқуқий ҳимоя воситалари ҳақида маълумот излаётганлар учун қимматли кўрсатмалар беради.*

**Калит сўзлар:** *фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, шахсий ҳимоя тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқий ҳимоя механизмлари, онлайн обрў, суд қарорлари, шаъни ва қадр-қимматини бузиш, ижтимоий тармоқлар ва жамоатчилик фикри, шахсий хавфсизлик, ҳуқуқий ҳимоя воситалари, туҳмат ва ҳақорат учун жавобгарлик.*

### **АННОТАЦИЯ**

*Данная статья рассматривает важные аспекты правовой защиты чести, достоинства и деловой репутации граждан в контексте современного общества. Авторы подробно анализируют законодательные нормы, касающиеся данных прав и обязанностей граждан, а также предоставляют практические рекомендации по эффективному использованию правовых механизмов для защиты личности и бизнес-репутации. Статья также затрагивает сферу онлайн-коммуникаций и влияние социальных сетей на облик человека или предприятия. Обсуждаются случаи нарушения прав граждан и предоставляются примеры успешных судебных решений в подобных ситуациях. Эта статья представляет ценное руководство для тех, кто ищет*

*информацию о средствах правовой защиты в контексте поддержания своей чести, достоинства и деловой репутации.*

**Ключевые слова:** защита прав граждан, честь и достоинство, деловая репутация, законодательство о защите личности, правовые механизмы защиты, онлайн-репутация, судебные решения, нарушение чести и достоинства, социальные сети и общественное мнение, личная безопасность, средства правовой защиты, ответственность за клевету и оскорбление

## **КИРИШ**

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш энг устувор вазифаси сифатида мустаҳкамланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони <sup>1</sup> билан “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” вазифаси белгиланганлиги фикримизнинг далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”лиги (27-модда 1-қисми), “ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга”лиги (31-модда 1-қисми) белгиланган. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексида ҳам фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга оид қоидалар (100-модда) мустаҳкамланган. Бироқ бу нормалар ҳозирги глобаллашув шароитида фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишни тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эмас.

Қолаверса, бугунги кунда ахборот технологияларнинг ривожланиб ҳаётимизга жадал суръатлар билан кириб келиши ва турли мақсадларда кенг фойдаланиши натижасида шахснинг шаънини таҳқирлайдиган, унинг обрўсини ерга ўрадиган ва кадр-қимматига путур етказадиган хабар ва маълумотлар тарқатилиши кенг шароит яратмоқда. Бу эса ўз навбатида, қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини, фуқаро ва юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ишончли ва самарали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

Субъектларга объектив ҳуқуқ нормалари томонидан белгиланган ҳуқуқлар субъектив ҳуқуқлар сифатида тушунилади. Одатда субъектив ҳуқуқлар ўз соҳиби учун муайян ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини тақдим этиш эркинлиги ҳисобланади. Бунда субъект ўз ҳуқуқини амалга ошириш ёки амалга оширмаслик ваколатига эга бўлади. Масалан, мулк ҳуқуқининг соҳиби ўз ҳуқуқини хоҳласа амалга оширади ва истамаса уни амалга оширмасликка ҳақли саналади.

Субъектив ҳуқуқлар ўз эгасига қонун билан йўл қўйилган доираларда ўз хоҳиши ва ихтиёри билан ҳаракат қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, субъектив ҳуқуқ субъектга ўз эркини амалга ошириш ва ўз манфаатларини қондириш имкониятини берадиган муносабатларни вужудга келтиради. Субъектив ҳуқуқ иккинчи томондан, ҳуқуққа эга бўлган шахснинг бошқа шахслардан ўз ҳуқуқининг бузилмаслигини талаб қилиш имкониятини назарда тутди<sup>2</sup>.

Номоддий неъматларга бўлган субъектив ҳуқуқ моддий характерга эга бўлмасдан, киши шахси билан (шахснинг соғлиғи ва ҳаёти, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.) бевосита боғлиқ, бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқа шахсга ўтказилмайдиган ҳуқуқдан иборат<sup>3</sup>.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Дарҳақиқат, шахсий ҳаёт сирларига бўлган ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳуқуқ эгаси томонидан амалга оширилади ва у ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини кўриш ва ушбу ҳуқуқни бузмасликни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда жисмоний шахс ўзининг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқига риоя этилишини ҳар кимдан талаб қилиш имкониятига эга ва бу имкониятдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласини унинг ўзи ҳал қилади. Шу ўринда ўзбек халқидаги “андишанинг отини кўрқоқ қўйма” мақолани эсга олиб ўтиш зарур. Чунки, субъект андиша юзасидан ўзининг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилмаслик ҳам мумкинки, бу ҳолат унинг бу ҳуқуққа эга эмаслигини англамайди. Субъектив ҳуқуқи сифатида жисмоний шахс ўзининг шахсий ҳаётига бўлган ҳуқуқини, масалан, шахсий дахлсизлик, сўзлашув сирларига бўлган ҳуқуқ, шахсий ва оилавий сирларни муҳофаза қилиш ва шахсий маълумотларга нисбатан ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилишни исталган субъектдан –

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 75 б.

<sup>3</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 17 б.

ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсдан ҳамда давлатдан талаб қилишга ҳақлидир.

И.И.Насриевнинг фикрича, шахсий номулкий неъматларга бўлган субъектив ҳуқуқи муносабатларнинг элементларида субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг кўриқланишини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Бундай мутлақ ҳуқуқлар номаълум шахслар томонидан бузилиши мумкин бўлганлиги сабабли, ҳар кимга қарши кўриқланади. Мутлоқ фуқаролик ҳуқуқига хилоф иш тутилганда, у нисбий ҳуқуқий муносабатга айланади<sup>4</sup>.

М.Н. Малеинанинг қайд этишича, шахсий ҳуқуқ - бу моддий мазмунга эга бўлмаган, эгасининг шахси билан узвий боғлиқ ва уни шахсийлаштирувчи, вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари ўзига хос бўлган неъмат сифатидаги субъектив ҳуқуқдир<sup>5</sup>.

Албатта, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг муҳим белгиси – шахснинг индивидуаллигини аниқлаш ва ривожлантиришга йўналтирилганлигидир. Шахсий номулкий ҳуқуқлар институти бир ҳуқуқ субъектини иккинчисидан фарқлаш имконини беради ва уларнинг ўзлигини ва ўзига хослиги муҳофаза қилади<sup>6</sup>.

Айрим адабиётларда фуқароларнинг шахсий ҳаёти соҳасидаги муносабатлар умуман юридик тус касб этмаслиги ва уларни муҳофаза этиш учун қандайдир ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиришнинг зарурияти мавжуд эмаслиги фикри билдирилган<sup>7</sup>.

Д.Н.Захаровнинг фикрича, номоддий (номулкий) неъматлар “соҳиблари – фуқароларнинг ижтимоий ҳолатини ифодалайди ва икки бир-бири билан узвий боғлиқ белгиларни тавсифлайди: моддий (мулкий) мазмуннинг мавжуд эмаслиги ва эгасининг шахсий билан узвий боғлиқлик (бу ҳолат ушбу белгиларнинг ажратилмайдиган ва бошқа шахсларга ўтказилмайдиган неъмат сифатида тавсифланишини англатади”<sup>8</sup>.

Ўз навбатида, А.Н.Гуев номоддий неъматлар иқтисодий мазмунга эга бўлмаган ва эгасининг шахсидан ажратилмайдиган амалдаги қонунчиликда эътироф этилган ва муҳофазаланган неъматлар ва эркинликлардан иборат фуқаролик ҳуқуқи объектларининг муайян гуруҳини ифодалашини қайд этади<sup>9</sup>. Шунингдек, адабиётларда қуйидаги таъриф ҳам келтирилган: номоддий

<sup>4</sup> Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11.

<sup>5</sup> Малеина М.Н. Защита личных неимущественных прав советских граждан. М.: Изд. Знание, 1991. – с. 9.

<sup>6</sup> Гражданское право: Учебник. Ч. 1 / Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева: – М.: Изд-во ТЕИС, 1996. – С.189.

<sup>7</sup> Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. – М.: Юрид. лит., 1974. – С. 124.

<sup>8</sup> Захаров Д.Н. Теоретические и практические проблемы защиты личных неимущественных прав граждан: Автореф. дис...канд.юрид.наук. – М.,2007. – С. 15.

<sup>9</sup> Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – С. 339.

неъматлар – бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг шахсий номулкий ҳуқуқ, шунингдек фуқаро туғилиши (ёки қонунда белгиланганига кўра) билан эга бўладиган номулкий тусдаги бошқа неъматлардир<sup>10</sup>.

А.Н.Ниязов шахсий номулкий ҳуқуқларни муайян субъектга унинг биологик, социал, рухий эҳтиёжлари амалга ошириш ва индивидуал ҳаёт фаолиятидаги хулқ-атвори мустақил белгилашнинг юридик имкониятини таъминлаш ҳуқуқидир, деб тавсифлайди<sup>11</sup>.

Ўз навбатида, В.С.Толстой шахсий номулкий ҳуқуқни субъектга тегишли унинг эрк мухториятидан келиб чиқиб, унинг мавжудлиги ёки социал хулқ-атвори оид ўз вариантыни мустақил танлашнинг табиий имконияти сифатида эътироф этади. Бунда шахсий номулкий муносабатлар – субъектлар ўртасидаги шахсий номулкий неъматлар бўйича вужудга келадиган муносабатлар сифатида кўрилади<sup>12</sup>.

С.С.Гулямов номоддий неъматларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида уларнинг соҳиби шахсидан бегоналаштирилмаслиги ва бирор-бир усулда бошқа шахсга берилмаслиги ҳисобланишини кўрсатиб ўтади<sup>13</sup>.

Т.В.Трофимова номоддий неъматларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтади:

- номоддий неъматларга нисбатан ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун қўшимча юридик фактлар талаб этилмайди, улар алоҳида ҳодисалар натижасида вужудга келади ва бундай ҳодисаларнинг асоси бўлиб, ҳуқуқ эгасининг туғилиши (юридик шахсларда эса ташкил топиш) ҳисобланади;

- номоддий неъматлар бузилганда уларни тиклаб бўлмайди;

- мулккий мазмунга эга бўлмаганлиги сабабли номоддий неъматларнинг аниқ мулккий қийматини белгилаш имкони мавжуд бўлмайди;

- фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида доирадаги субъектларига, яъни фуқароларгагина тегишли бўлиши;

- номоддий неъматлар шахсий тусга эга бўлиб, улар учинчи шахслар томонидан эмас, фақат ҳуқуқ эгаси томонидан амалга оширилади<sup>14</sup>.

Амалдаги қонунчиликда “номоддий неъмат” ва “шахсий номулкий ҳуқуқ” тушунчаларининг таърифи белгиланмаганлигини назарда тутиб, ФКнинг маъносидан келиб чиқиб, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг номоддий

<sup>10</sup> Гуев А.Н. Гражданское право: Учебник. – В 3 т. – Т. 1. – М.: Экзамен, 2006. – С. 210.

<sup>11</sup> Ниязова А.Н. Гражданско-правовое регулирование личных неимущественных отношений в Кыргызской Республике: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Алматы, 1999. – С. 6.

<sup>12</sup> Толстой В.С. Личные неимущественные правоотношения. – М.: Академии повышения квалификации и профессиональной переподготовки работников образования, 2009. – С.10.

<sup>13</sup> Гражданское право (Общая часть). Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2010. –С.306.

<sup>14</sup> Трофимова Т.В. Нематериальные блага как объект гражданско-правового регулирования: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. –Волгоград: 2004. –С.10-11.

неъматларга оид эканлиги, хусусидаги фикрга қўшилиб бўлмайди, бинобарин бу икки тушунча ўртасида муайян бир нисбат мавжуд.

Номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар ўртасидаги нисбатан мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, шахсий номулкий ҳуқуқлар номоддий неъматнинг бир қўриниши, деган фикрга қўшилган мақул. Зеро, фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида шахсий номулкий ҳуқуқ субъектга тегишли ва моддий мужассамда ифодаланмайдиган ҳамда фақат шахснинг ўзидан бегоналаштириш мумкин бўлган, номоддий неъмат сифатида субъектнинг ўзи томонидан баҳра олинадиган имконияти бўлиб, шахсий номулкий ҳуқуқни ўзлаштириш ёки уни қўлга киритиш учинчи шахслар учун ҳар доим номақбул ва қораланадиган ҳаракат сифатида баҳоланиши билан тавсифланади.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар, шу жумладан шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи ҳам ўзининг юридик табиати ва тавсифи нуқтаи назаридан аввало, соҳибининг шахси билан узвий боғлиқлиги ва ундан ажратишнинг юридик имконияти йўқлиги жиҳатидан ўзига хосдир. Шу сабаб юридик адабиётларда шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчасига мазкур хусусиятлар билан боғлиқ

Амалдаги қонунчилик ва юридик адабиётларнинг таҳлили кўрсатишича, бугунги кунда шахсий номулкий ҳуқуқлар доираси анча кенгдир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ, уй-жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ, эркин кўчиб юриш ва турар-жой танлаш ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, тасвирга бўлган ҳуқуқ, сирлар (шахсий ҳаёт, адвокатлик, нотариал ҳаракатлар, банк, фарзандликка олиш, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарлари сирлари)га бўлган ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқ ва шу кабилар.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги сингари Фуқаролик кодексининг 99-моддасида санаб ўтилган номоддий неъматлар мамлакатимиз Конституциясида фуқаронинг туғилганидан бошлаб унга тегишли бўлган ва бошқа шахсга берилмайдиган неъмат сифатида тавсиф этилган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг таърифи у ёки бу даражада мустаҳкамланган ва юқорида келтириб ўтилган белгилар номоддий неъматларни тавсифлашда фақатгина жамланган ҳолда фойдаланилган, зеро номоддий неъматларнинг бошқа шахсга берилмаслик,

тасарруфдан чиқарилмаслик сингари белгилари<sup>15</sup> баъзи мулкый ҳуқуқларга, масалан, алиментларни ундириш тўғрисидаги, ҳаётга ва соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларга ҳам хосдир. Р.Ж.Матқурбанов фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини таҳлил қилар экан, субъект бу лаёқатидан маҳрум этилмаслиги ва бегоналаштирилмаслиги билан ажралиб туради<sup>16</sup>, деб ҳисоблайди. Айнан шундай фикрларни И.Б.Зокиров ва М.Х.Баратовлар ҳам таъкидлашади<sup>17</sup>. Бу ҳолат эса ҳуқуқ лаёқатининг ажралмас таркибий қисми бўлган шахсий номулкый ҳуқуқларнинг ҳам эгасидан бегоналаштирилиши мумкин эмаслигини англатади.

Маълумки, кадр-қиммат индивид ижобий фазилатларининг ўзига хос мажмуаси, унинг ахлоқий кадрияти ҳисобланади. Кадр-қимматга у ёки бу шахснинг ижтимоий фойдали хусусиятларидан келиб чиқадиган ижтимоий аҳамият ифодачиси сифатида қараш ҳам мумкин.

Япониялик олим Каваи Такаши эса шаън, кадр-қиммат тушунчалари ҳақида ўзгача фикр билдиради: “Жамият томонидан шахснинг кадри ҳақидаги баҳосига шахснинг шаъни, кадр-қиммати дейилади, бу ерда шахснинг субъектив кадр-қиммати ҳақидаги ҳиссиётлари қамраб олинмайди. Мисол учун, шахс ўзининг кадр қиммати бузилганлигини таъкидлаб, судга мурожаат этипти, ва ўзининг кадр-қимматини юқори даражада баҳолайди. Жамият, омма эса унинг кадр-қиммати йўқлиги, яъни паст даражада эканлигини кўрсатяпти. Бу ҳолатда, суд жамиятнинг объектив баҳосини инобатга олиши керак деб ҳисоблайман. Лекин, менинг фикримга қарама-қарши бўлган бошқа олимларнинг фикрлари мавжуд бўлиб, кадр-қиммат субъектив ҳиссиётларни ҳам қамраб олиши керак деб ҳисоблашади”<sup>18</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, шаън арабчадан олинган бўлиб, иш, алоқа, муносабат, кадр-қиммат, обрў, инсонга, шахсга тегишли кадр-эътибор ҳисобланади<sup>19</sup>.

Дарҳақиқат, шаън билан кадр-қимматнинг алоқаси бунчалик чамбарчас боғлиқ эканлиги бежиз эмас, чунки шахс (одам) муайян жамоада, умуман олганда, жамият ичида бўлар экан, жамоанинг, жамиятнинг ўзи ҳақида қандай фикрда эканлиги, ўзига қанақа баҳо бераётганликларига эътибор бермаслиги мумкин эмас. Ана шу ижтимоий баҳо туфайли муайян жамоа (жамият) аъзоси

<sup>15</sup> Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкый ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. –Тошкент: Фан, 2000. –21 б.

<sup>16</sup> Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. –Ташкент: ТГЮИ, 2008. –69 с.

<sup>17</sup> Зокиров И.Б., Баратов М.Х. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. – Тошкент: 1998. –6 б.

<sup>18</sup> Kawai Takashi. Civil Law. Japan: Yuhikaku. 2008. –P. 420.

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ш”. – 559 б.

сифатида инсон онгида ўзи ҳақида, жамоа учун ва умуман олганда, жамият учун қанчалик қадрли эканлиги ҳақида тасаввур қарор топа боради.

Шу боис шаън ва қадр-қиммат тушунчалари билан ишчанлик обрўси тушунчаси ўртасидаги тафовут чегарасини аниқлаб олиш зарур. Бундай тафовутлардан уchtасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи тафовут ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив таркиби билан боғлиқ. Моддий неъматлар (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳосил қилувчи қуйидаги субъектларгина ишчанлик обрўсига эга бўлиши мумкин:

1) тадбиркор фуқаро;

2) фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган шартнома асосида ишлаётган фуқаро. Бунда ана шундай меҳнат қанчалик изчил ва тизимли эканлиги ҳам, бундай фаолиятдан келадиган даромад (бу даромад энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида бўлиши ҳам мумкин) фуқаро учун қандай роль ўйнаши ҳам аҳамиятга эга эмас. Унга ўз фаолияти ҳосиласи бўлган маҳсулот истеъмолчилар ўртасида донг таратиб, шуҳрат қозониши ва машҳур бўлиб кетиши муҳимроқдир;

3) контракт асосида ишлаётган фуқаро;

4) юридик шахс.

Иккинчи тафовут шуки, ишчанлик обрўси муайян шахс эмас, балки шахсий неъмат билан боғлиқ бўлади. Шаън шахс ҳақида жамият чиқарган баҳо, қадр-қиммат эса шахснинг ўзига ўзи берган баҳоси эканлиги боис улар субъект юзага келиши билан пайдо бўлади, янада аниқроқ қилиб айтганда, субъектнинг уларни қўлга киритиши ўз-ўзидан содир бўлади. Ишчанлик обрўси эса кўпчиликда вақт ўтиши билангина ҳосил қилинадиган фикрдир. Субъект хўжалик фаолиятининг бирон-бир шўъбаси ёки жабҳасида ишчанлик обрўсини орттирган тақдирда ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳасида худди шундай ишчанлик обрўсига ўз-ўзидан, яъни автомат тарзда эга бўла олмайди.

Учинчи тафовут ишчанлик обрўсини бузиш ҳоллари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муайян соҳасида ва муайян пайтида унинг обрў-эътибори предмети бўлмиш унсурлари асосида юз беришида намоён бўлади ҳамда бу қоидабузарлик мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг номига доғ тушириш, уни бадном этиш даражасига олиб бормаслигида, унга жамият томонидан берилган умумий баҳога жиддий таъсир этмаслигида рўй-рост кўринади.

Юқорида айтилганлар муносабати билан қуйидаги мисолни келтириш ўринлидир. Мамлакатимиз пойтахтидаги йирик бир фирма унинг муассисларидан бири, шу фирма фаолиятига бошчилик қилаётган П.З. номи



билан юритиб келинган. Фирмага бағишланган реклама материаллари ҳамда телекўрсатувлар кўпинча ана шу раҳбарнинг нутқи, сўзлари жўрлигида (фониди) тайёрланганлиги ва эфирга узатилганлиги боис кўпчиликда ана шу раҳбарнинг номи билан фирманинг яхши маънодаги номи бир бутун ва ажралмас деган тушунча шакллана борган. Иттифоқо айна шу раҳбарнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига доғ тегадиган иш содир бўлади, аммо буни унинг номи билан юритилувчи фирманинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи, фирмани камситувчи ҳуқуқбузарликка йўйиб бўлмайди. Бундай ҳолатда фирманинг ишчанлик обрўсига эмас, балки ном эгасининг (бу ўринда жаноб П.З.нинг) шаъни ва кадр-қимматига путур етганлигини қайд этиш мумкин, холос.

Ўқитувчи ва педагогларнинг, аудитор ва адвокатларнинг, ижодкор зиёли ва шифокорларнинг, халқ хунармандлари ва бошқа кўпгина касб эгаларининг обрў-эътиборлари ҳам ҳимоя этилиши керак. Аммо бунда обрў-эътиборнинг моҳияти фуқаронинг тадбиркорлик маҳоратига эмас, балки касб ва хизмат борасидаги фазилатларига бериладиган баҳога асосланади. Аслида уни касб ёки хизмат борасидаги обрў-эътибор деб аташ адолатлироқ бўлар эди. Ишчанлик обрўси тушунчасини унга касб ва хизмат борасидаги обрў-эътиборни ҳам киритган ҳолда кенгайтириш ҳақида таклифлар билдирилаётганлигини асоссиз деб бўлмайди, албатта.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 75 б.
2. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 17 б.
3. Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11.
4. Малеина М.Н. Защита личных неимущественных прав советских граждан. М.: Изд. Знание, 1991. –с. 9.
5. Гражданское право: Учебник. Ч. 1 / Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева: – М.: Изд-во ТЕИС, 1996. – С.189.
6. Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. – М.: Юрид. лит., 1974. – С. 124.
7. Захаров Д.Н. Теоретические и практические проблемы защиты личных неимущественных прав граждан: Автореф. дис...канд.юрид.наук. – М.,2007. – С. 15.
8. Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – С. 339.

9. Гувев А.Н. Гражданское право: Учебник. – В 3 т. – Т. 1. – М.: Экзамен, 2006. – С. 210.
10. Ниязова А.Н. Гражданско-правовое регулирование личных неимущественных отношений в Кыргызской Республике: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Алматы, 1999. – С. 6.
11. Толстой В.С. Личные неимущественные правоотношения. – М.: Академии повышения квалификации и профессиональной переподготовки работников образования, 2009. – С.10.
12. Гражданское право (Общая часть). Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2010. – С.306.
13. Bakhtiyorovich, I. D. (2024). Auction as a Method of Privatization of State Property. *International Journal of Scientific Trends*, 3(1), 5-10.
14. Трофимова Т.В. Нематериальные блага как объект гражданско-правового регулирования: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. –Волгоград: 2004. –С.10-11.
15. Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. –Тошкент: Фан, 2000. –21 б.
16. Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. –Ташкент: ТГЮИ, 2008. –69 с.
17. Зокиров И.Б., Баратов М.Х. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. –Тошкент: 1998. –6 б.
18. Kawai Takashi. Civil Law. Japan: Yuhikaku. 2008. –P. 420.